



## Uzbekistan and international financial organizations: cooperation and prospects

Madinabonu ANVAROVA<sup>1</sup>

Tashkent State University of Economics

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received March 2023  
Received in revised form  
15 April 2023  
Accepted 25 April 2023  
Available online  
15 May 2023

**Keywords:**

International financial  
organizations,  
International  
Monetary Fund,  
World Bank.

### ABSTRACT

This article analyzes relations between Uzbekistan and international financial organizations. External debt and a number of macroeconomic indicators are analyzed. The debts and obligations of our country from international financial organizations have been extensively analyzed. Conclusions and suggestions are given.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss3/S-pp202-207>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## Ўзбекистон ва халқаро молия ташкилотлари: ҳамкорлик ва истиқбол

### АННОТАЦИЯ

**Калит сўзлар:**

Халқаро молиявий  
ташкилотлар,  
Халқаро валюта  
фонди,  
Жаҳон банки,  
инфляция,  
ташқи қарз.

Мазкур мақолада Ўзбекистон ва халқаро молия ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар, ташқи қарзлар ва бир қатор макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Мамлакатимизнинг халқаро молиявий ташкилотлардан олган қарзлари ва мажбуриятлари ўрганилган. Хулоса ва таклифлар берилган.

<sup>1</sup> Master's student, Tashkent State University of Economics. E-mail: madinak98@icloud.com

## Ўзбекистан и международные финансовые организации: сотрудничество и перспективы

### АННОТАЦИЯ

**Ключевые слова:**

Международные финансовые организации, Международный валютный фонд, Всемирный банк, инфляция, внешний долг.

В данной статье анализируются отношения между Узбекистаном и международными финансовыми организациями. Анализируется внешний долг и ряд макроэкономических показателей. Всесторонне проанализированы долги и обязательства нашей страны перед международными финансовыми организациями. Даны выводы и предложения.

Ўзбекистон барча хорижий ҳамкорлар, жумладан, минтақадаги қардош ўлкалар ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар билан ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор бўлиб, асосий ташқи сиёсий алоқаларини 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган энг муҳим соҳаларга қаратган.

Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини, ўз навбатида, ҳамкорликнинг шартнома-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари барқарор, адолатли ва демократик давлат қуришга, мамлакатнинг ташқи ошкоралигини илгари суришга ҳамда регионал ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

2018 йилнинг 13 март куни Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга киришини янгилаш ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигига БМТнинг ривожланиш дастури кўмагида техник ёрдам кўрсатишга жалб қилиш масаласида Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Жаҳон банки, Халқаро ривожланиш бўйича АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID), Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи делегацияси, Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирокида ишчи гуруҳ йиғилиши ташкиллаштирилди. Унда ЖСТ фаолияти ҳақида халқаро ва миллий эксперт ҳуқуқшунослар атрофлича маълумот беришди [1].

Ушбу йўналиш бўйича амалга оширилган ишлардан энг муҳими Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Япония, Германия, Франция, Афғонистон, Қозоғистон, Туркманистон каби дунёнинг нуфузли мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир бир қатор тегишли дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилгани ва қабул қилингани, “йўл хариталари” тасдиқланганлиги ҳисобланади.

Президентимизнинг ҳамда ҳукуматимизнинг олий ва юқори даражалардаги ташрифлари давомида мамлакатнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган ҳамда яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан алоқаларни кенгайтиришга қаратилган фаол, очиқ, прагматик ва ҳар томонлама чуқур ўйланган ташқи сиёсий йўналишни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, янги устувор йўналишлар ва ёндашувлар ташқи сиёсий бошқарма тузилишининг тубдан ислоҳ қилинишини талаб этди. Жумладан, Ташқи ишлар вазирлигида янги бўлинмалар ташкил этилди, бундан ташқари Беларусь ва

Ўмонда ваколатхоналар, Россия ва Қозоғистондаги бир қатор шаҳарларда бош консулликлар очилди. Қисқача айтганда, дипломатик фаолиятнинг иқтисодий таркиби кучайтирилди.

Халқаро майдондаги ҳамкорлик илғор дунё мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ҳамда хорижий давлатлар билан алоқаларни йўлга қўйиш орқали Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал қилишга ёрдам бериб, бу юртимизда максимал қулай амалий ва инвестицион муҳитни шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Республика ташқи сиёсий стратегияси хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, тўридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳамда илғор технологияларни ишлаб чиқаришга бевосита жалб этиш, шунингдек, маҳаллий экспорт географиясини кенгайтириш соҳасида янги йўналишлар очди.

Бунинг натижасида 2019 йилда мамлакатимизга бевосита хорижий инвестициялар оқими ўсди. Уларнинг ҳажми 4,2 млрд. долларни ташкил этди, ва бу кўрсаткич 2018 йилдагига нисбатан 3,7 баравар кўпроқ демакдир.

2020 йилнинг биринчи ярми яқунларига кўра, Covid-19 тарқалишини ва кенг оммалашишини олдини олиш билан боғлиқ барча мураккабликлар ва чекланишларга қарамай, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ҳажми 4,8 млрд. доллар, шу жумладан, бевосита хорижий инвестициялар – 3,2 млрд. долларни ташкил этди.

Бунинг сабаби сўнгги 10 йил ичида биринчи марта мамлакатимизнинг Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг кредит хавфи рейтингидаги позицияси яхшиланганлиги бўлди.

Дунёнинг нуфузли молиявий ташкилоти Жаҳон банки ҳар йили ишлаб чиқадиган дунё мамлакатларининг “Бизнес юритиш” рейтингида мамлакатимиз 7 та позицияга кўтарилди. Бизнесни рўйхатдан ўтказиш кўрсаткичи бўйича эса ҳисоб-китоб қилинган 190 та давлат орасида 8-ўринни эгаллаб, энг яхши ислохотчи мамлакатлар сафига киритилди.

Буюк Британиянинг жаҳонда обрўли журналларидан бири – “The Economist” 2019 йилда Ўзбекистонни “Йил мамлакати” – 2017 йилдан эътиборан ислохотлар энг жадал суръатлар билан амалга оширилаётган давлат сифатида эътироф этди.

Стратегия доирасида давлат қарзини диверсификациялаш ҳамда валюта хатарларини камайтириш мақсадида Давлат бюджети тақчиллигини, аввало, давлат қимматли қоғозларини ички бозорда жойлаштириш ва суверен халқаро облигацияларни халқаро молия бозорига жойлаштириш орқали қоплашга ҳаракат қилинмоқда.


Хусусан, ички бозорда жойлаштирилган давлат қимматли қоғозлари 2018 йилдаги қарийб 0,6 трлн. сўмдан 2019 йилда 1,6 трлн. сўмгача ошди. 2020 йилда эса 5,0 трлн. сўмга тенг давлат қимматли қоғозлари чиқарилди.

Халқаро молия бозорига жойлаштирилган суверен халқаро облигациялар икки траншда – 10 йиллик муддат билан 555 млн. доллар долларда ва 3 йиллик муддат билан илк бора миллий валютаимиз – ўзбек сўмида 2 трлн. сўм миқдорида жойлаштирилди.

2022 йил давомида Ўзбекистон давлат қарзи 2,9 млрд долларга кўпайиб, 29,2 млрд долларни ёки ЯИМга нисбатан 36,4 фоизни ташкил этди. Давлат қарзининг 90 фоиздан ортиқ қисми хорижий валютада жалб қилинган.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистоннинг давлат қарзи 29,2 млрд долларга етди. Бу – мамлакат тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Давлат қарзи 2022 йил 3-чорагига нисбатан 3,1 млрд долларга кўпайган, ЯИМга нисбатан улуши ҳам 2,3 фоизга ошиб 34,1 фоиздан 36,4 фоизга етган. Таққослаш учун, 2022 йилнинг 1 октябрь ҳолатига давлат қарзи 26,2 млрд долларни ташкил этган.




### **1-расм. Ўзбекистон давлат қарзининг ўзгариш динамикаси (млрд АҚШ долларисида) [2]**

Мамлакатимиз нуфузли халқаро молиявий ташкилотлар билан ўзаро иқтисодий, илмий-таҳлилий алоқаларни изчил ривожлантириб келмоқда. Жумладан, Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси билан ҳозирда пандемияни енгиб ўтиш борасида ҳамкорликни чуқурлаштирган. Шунингдек, ушбу ташкилот Ўзбекистон иқтисодиёти учун зарур таҳлилий ахборот ва прогнозлар бериб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молиявий институтларидан жалб қилган ташқи қарз портфели ҳажми 10,1 млрд. долларни ташкил этиб, мазкур кредитлар узоқ муддат (30 йилгача) ҳамда имтиёзли фоиз ставкаларида тақдим этилган.

Шунинг билан биргаликда, Молия вазирлиги Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва АҚШ Ғазначилиги билан ҳамкорликда давлат қарз портфелини диверсификациялаш ҳамда валюта хатарларини камайтириш мақсадида ички молиялаштириш манбалардан кенг фойдаланиш, давлат қимматли қоғозлар бозорини фаоллаштириш учун маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб этиш, давлат бюджети тақчиллигини, аввало, давлат қимматли қоғозларини ички молия бозорларида жойлаштириш орқали молиялаштириш соҳасида зарур ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ЖБ ва ХВЖ билан ҳамкорликда 2020–2022 йиллар учун “Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзини бошқариш стратегияси” ишлаб чиқилди. Мазкур стратегия ҳар йили макроиқтисодий параметрларнинг ўзгариши нуқтаи назардан қайта ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Стратегия доирасида давлат қарзини диверсификациялаш ҳамда валюта хатарларини камайтириш мақсадида Давлат бюджети тақчиллигини, аввало, давлат қимматли қоғозларини ички бозорда жойлаштириш ва суверен халқаро облигацияларни халқаро молия бозорига жойлаштириш орқали қоплашга ҳаракат қилинмоқда.



## 2-расм. Ўзбекистон Республикаси давлат ташқи қарзи кредиторлар кесимида [3]

Хусусан, ички бозорда жойлаштирилган давлат қимматли қоғозлари 2018 йилдаги қарийб 0,6 трлн. сўмдан 2019 йилда 1,6 трлн. сўмгача ошди. 2020 йилда эса 5,0 трлн. сўмга тенг давлат қимматли қоғозлари чиқарилди.

Халқаро молия бозорига жойлаштирилган суверен халқаро облигациялар икки траншда – 10 йиллик муддат билан 555 млн. доллар долларда ва 3 йиллик муддат билан илк бора миллий валютаміз – ўзбек сўмида 2 трлн. сўм миқдориди жойлаштирилди [4].

### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.**

2022 йилнинг 1 октябр ҳолатига кўра, давлат ташқи қарзи портфели валюта таркибининг 74,8 фоизи – АҚШ доллари, 8,2 фоизи – Япония иенаси, 7,7 фоизи – СДР (махсус қарз олиш ҳуқуқлари), 4,7 фоизи – евро, 1,8 фоизи – ўзбек сўми, 2,8 фоизи – бошқа валюталардаги ташқи қарз ҳиссасига тўғри келган.

Яъни давлат қарзининг 90 фоиздан ортиқ қисми хорижий валютада жалб қилинган. Валута курсининг кескин ўзгариши ва ўзбек сўмининг эҳтимолий қадрсизланиши хизмат кўрсатиш харажатлари ва миқдорига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, глобал инфляцион ҳолат фониди Марказий банкларнинг қаттиқлаштириш сиёсати ва фоизларни ошириши халқаро бозорларда қарз ва капитал нарҳини кескин қимматлаштириб юборди. Бу эса Ўзбекистонга ўхшаган ривожланаётган мамлакатлар учун ташқи қарз жалб қилишни қийинлаштиради.

Олдин Ўзбекистон асосан қаттиқ белгиланган ставкаларда ташқи қарз жалб қилган бўлса, ҳозирги кунда ўзгарувчан ставкаларда маблағ жалб қилишга мажбур бўлмоқда. Бу эса рискларни оширади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Н.С.Исмаилова, У.А.Дадабаев, А.Х.Ахмаджонов, Х.К.Файзиева, З.Х.Ахмадалиева. Жаҳон савдо ташкилоти ва кўп томонлама савдо тизими. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2022 й. – 85 бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2023 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат ташқи қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи. <http://mf.uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат ташқи қарзи ҳолати ва динамикаси шарҳи. <http://mf.uz>
4. Тошкент давлат иқтисодиёт университети муаллифлар жамоаси. Янги Ўзбекистон: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш одимлари. Ўқув қўлланма. – Т.: «Маънавият», 2021. 792 бет.